

10-10-2019

“A TRACT ON FAITH” DEDICATED TO THE ABOUT OF ABOUT BAKRA KASANI A CONFIDENTIAL SOURCE

Zamirakhon Rukhitdinovna Isakova

Candidate of Philosophy, Associate Professor Namangan State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Isakova, Zamirakhon Rukhitdinovna (2019) "“A TRACT ON FAITH” DEDICATED TO THE ABOUT OF ABOUT BAKRA KASANI A CONFIDENTIAL SOURCE," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 10 , Article 31.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss10/31>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

**“A TRACT ON FAITH” DEDICATED TO THE ABOUT OF ABOUT BAKRA KASANI A
CONFIDENTIAL SOURCE**

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

**АБУ БАКР КОСОНИЙНИНГ “ЭЪТИҚОД РИСОЛАСИ” АҚИДАГА ОИД
ИШОНЧЛИ МАНБА**

Исақова Замирахон Рухитдиновна
Фалсафа фанлари номзоди, доцент
Наманган давлат университети

Аннотация: Мақолада фикҳшунос олим Абу Бакр Косонийнинг ақидага оид “Эътиқод рисоласи” асари таҳлил этилган. Ҳар бир эътиқодий масала оят ва ҳадис, суннийликдаги бошқа мазҳаблар уламоларининг қарашлари билан солиштирилиб, муайян масаладаги фикр-мулоҳазалари содда ва тушунарли баён этилган. Асарнинг диний ва ижтимоий масалаларда ақидавий ихтилофларга барҳам беришдаги ўрни ва ёш авлодни соғлом эътиқод асосида тарбиялашдаги аҳамияти очиб берилган.

Калит сўзлар: Эътиқод, иймон, ақида, мазҳаб, аҳли сунна вал жамоа, эътиқодий масалалар, ақидавий ихтилофлар, соғлом эътиқод.

**«ТРАКТАТ О ВЕРЕ» ПОСВЯЩЕННЫЙ ВЕРОУЧЕНИЮ АБУ БАКРА КАСАНИ
ДОСТОВЕРНЫЙ ИСТОЧНИК**

Исакова Замирахон Рухитдиновна
Кандидат философских наук, доцент
Наманганский государственный университет

Аннотация: В статье анализируется ученого фикха Абу Бакра Касани посвященный вероучению “Трактат о вере”. Каждый религиозный вопрос сравнивается с мнением ученых аятов и хадисов и других суннитских священнослужителей, и их комментарии по данному вопросу просты и понятны. Раскрыта роль работы в разрешении религиозных и социальных различий в религиозных и социальных вопросах, а также важность воспитания подрастающего поколения на основе здравых убеждений.

Ключевые слова: Верования, убеждения, вероисповедание, секта, ахл аль-сунна валь-джамаа, религиозные вопросы, доктринальные споры, здоровые убеждения.

**“A TRACT ON FAITH” DEDICATED TO THE ABOUT OF ABOUT BAKRA KASANI
A CONFIDENTIAL SOURCE**

Isakova Zamirakhon Rukhitdinovna
Candidate of Philosophy, Associate Professor
Namangan State University

Abstract: The article analyzes the learned fiqh Abu Bakr Kasani, dedicated to the doctrine of “The Treatise of Faith”. Each religious question is compared with the opinion of the scholars of ayat and hadith and other Sunni clergy, and their comments on this issue are simple and understandable. The role of work in resolving religious and social differences in religious and social issues, as well as the importance of educating the younger generation on the basis of common beliefs, is revealed.

Key words: *Beliefs, religion, creed, sect, Ahl al-Sunnah wal-Jamaa'ah, religious issues, doctrinal disputes, healthy beliefs.*

Исломда энг нозик масалалардан бири эътиқод масаласидир. Эътиқод арабча сўз бўлиб, қаттиқ ишонч, Аллоҳ таолога бўлган иймон, бир нарсани иккинчисига маҳкам боғлаш маъноларини англатади. Эътиқод асосини илм ташкил қиладики, инсон нимага эътиқод қилаётгани, нимага ишонаётганини англаши лозим. Илмсиз эътиқод йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Инсон эътиқод билан тирик, эътиқод билан азиз ва мукаррамдир. Соф эътиқод инсонни покликка, тўғри йўлга чақиради. Тўғри эътиқодли бўлиш ва хато эътиқодий қарашлардан сақланиш ҳар бир мусулмон учун муҳим аҳамиятга эга. Демак, эътиқод қалб гавҳаридир.

Ақида, иймон билан боғлиқ масалалар борасида Аллоҳ (с.т.)нинг Ўзи тушунчаларни баён қилиб, инсониятни иймон-эътиқодга йўллаганки, ҳар бир мусулмон Аллоҳга ишонади ва ғайбга иймон келтиради. “Унинг иродаси Унинг илмига мувофиқдир. Буйруғи ёки қайтариғига эмас. Аллоҳ кимни ҳидоят қилса, яъни унда ҳидоят топиш амалини яратиб қўйса, у ҳидоят топади. Ва (Аллоҳ) кимни ҳидоятга бошламаса, ҳидоят топмайди. Бу нарса Аллоҳнинг хоҳиш-иродасидадир. Чунончи, У: “Албатта, Аллоҳ хоҳлаган кимсани залолатга кетказур, хоҳлаган кимсани ҳидоятга солур” [1.528.].

Ақида исломнинг асосий пойдевори бўлиб, эътиқод “ҳақ ва тўғри” деб ишонилиб, эътиқод қилинадиган масалалар. Аллоҳнинг ягоналиги, Пайғамбарнинг ҳақлигига эътиқод қилиш, ўлимнинг ҳақлиги, ўлимдан сўнг қайта тирилиш, муқаддас китобларга, қабрдаги савол-жавобга ишониш каби масалалар ақида деб аталади. Қуръонда “Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга, Пайғамбарига, (шу) Пайғамбарига нозил қилган Китоб (Қуръон)га ҳамда илгари нозил қилинган китобларга иймон келтирингиз! Кимки Аллоҳни, фаришталарини, китобларини, пайғамбарларини ва “Охирги кун (қиёмат)”ни инкор этса, демак, у жуда узоқ (қаттиқ) адашибди” [2.107.].

Ислом динидаги ягона ва энг тўғри ақида-аҳли сунна вал-жамоа ақидасидир. Ақида тўғри бўлса, юрадиган йўл ҳам тўғри бўлади. Ақидаси тўғри бўлган одам яхшиликлар эшигини очувчи, ёмонликлар эшигини ёпувчи калит кабидирки, “шубҳасиз, Аллоҳ таолонинг ҳузурида бандаларни тўғри йўлга бошлаш, уларга тўғри эътиқод – аҳли сунна вал-жамоа ақидасини тушунтириб беришдан кўра (афзалроқ) сабъ-ҳаракат йўқдир” [3.3.].

Зарурий эътиқодий масалалар қуйидагилардир:

а) Аллоҳ таолони бирор нарсага муҳтож бўлмайдиган ва барча нарсалар Унга муҳтож бўладиган бетимсол ягона Зот деб деб эътиқод қилиш;

б) Аллоҳ таолонинг фаришталари бор деб эътиқод қилиш. Уларни эркаклик ё аёллик сифатларидан холи Аллоҳнинг амрларидан чиқмайдиган итоаткор латиф жисмли мавжудотлар деб эътиқод қилиш;

в) Аллоҳ таолонинг пайғамбарларига юборган китоблари борлигига ва улар Аллоҳ таолонинг каломи эканига эътиқод қилиш;

г) Аллоҳ таоло бандаларга тўғри йўл кўрсатувчи пайғамбарлар юборган деб эътиқод қилиш. Пайғамбарларни инсониятнинг энг афзали бўлган, гуноҳлардан маъсум Аллоҳ таолонинг элчилари деб эътиқод қилиш;

д) ўлгандан кейин албатта қайта тирилиш бўлади деб эътиқод қилиш. Ўша кунда Аллоҳ таоло барча махлуқотларга қайта жон ато қилиб, уларни дунёда қилган ишлари бўйича ҳисоб-китоб қилади деб эътиқод қилиш;

е) қадарнинг яхшиси ҳам ёмони ҳам Аллоҳ таолодан деб билиш.

Диний ва ижтимоий масалаларда ақидавий ихтилофларнинг келиб чиқиши, аслида Пайғамбар (с.а.в.)нинг вафотларидан сўнг бошланган. Ботил фирқа ва гуруҳлар, бидъат ва залолатга бошлаган оқимлар шулар жумласидандир.

Ақидада ихтилофлар мавжуд бўлган жамиятда ботил эътиқодлар иддиз отади, фитна-фасодга йўл очилади, мазҳаблараро ва динлараро низолар келиб чиқади. Балки шу сабабли қадим-қадимдан ислом оламида халқ эътиқодини муҳофаза қилиш учун ақида илмига алоҳида эътибор қаратилган ва бу масалага оид кўплаб рисоалар тасниф этилган. Аҳли суннат ва вал жамоа эътиқодини ҳимоя қилишга бел боғлаган Имом Аъзам, Абу Мансур Мотрудий, Имом Ашъарий, Имом Ғаззолий, Имом Насафий, Нуриддин Собуний, Саъдуддин Тафтазоний, Имом Алийул Қорий каби алломалар қатори Алоуддин Абу Бакр ибн Аҳмад Косоний (ваф. 1191 й.)нинг “бидъат лойқалари ва залолат доғларидан покиза” бўлган аҳли сунна вал-жамоа ақидасига бағишланган “Ал-Муътамад мин ал-муътақад” [4.4.] (Ақидага оид ишончли рисола) рисоласи ҳам ўша даврнинг турли гуруҳларнинг эътиқод ва даъволарини пучга чиқарган: “иш, (фақатгина) у билан икки оламнинг яхшилигига ва икки дунёнинг саодатига эришилади. Бас, ким уни ушласа, ҳидоятга эргашган бўлур ва ким ундан юз ўтурса, залолат ва туғёнга кетган бўлур” [5.3.].

“Улуғ имом, етук уламо, ҳидоят пешвоси, динни юксалтиргувчи, ислом ва мусулмонлар етакчиси” деб улуғланган Абу Бакр Косонийнинг “Эътиқод рисоласи”да ҳар бир эътиқодий масала оят ва ҳадис, суннийликдаги бошқа мазҳаблар уламоларининг сўзларини таҳлил этган ҳолда талқин қилинган ва муайян масаладаги фикр-мулоҳаза содда ва тушунарли баён этилган.

Жамиятда соғлом муҳит бўлиши учун пок руҳ, мустаҳкам эътиқод, тоза маслак зарур, яъни иймон қанчалик мустаҳкам бўлса, эътиқод шунчалик собит бўлади. Ҳақ йўлида собит ва барқарор бўлган мусулмон учун “иймон ва ислом бир (нарса)дир. Бинобарин, ҳар бир мўмин мусулмон ва ҳар бир мусулмон мўминдир” [613.].

Ҳар бир одам боласининг битта ажали бордир. (Биров тарафидан) ўлдирилган шахс (ҳам) ўз ажали билан ўлган бўлиб, унинг бошқа бир ажали йўқдир. Инсоннинг ажали унинг умрининг ниҳоясига етган вақтидир [7.15.].

Қуръонда “Аллоҳ улардан (чин мўминлардан) рози бўлди, улар ҳам Аллоҳдан рози бўлдилар. Бу эса буюк саодатдир” [8.127.] дейилган. Бунинг ҳақиқати Аллоҳ илм ва фаҳм берган зотлар – валийлар талқинида шундайки, улар тақдир қазоси бўлса, “Ҳар бир жон ўлимни тотувчидир” [9.80.] деб Аллоҳ ҳукмига рози бўлиб, ҳар қандай мусибату балога сабр-қаноат қилганлар ва Муҳаммад (с.а.в.) йўлини тутганлар.

Ҳар бир киши ўзининг ризқини ейди ва ҳеч ким ўзидан бошқанинг ризқини ейишга қодир эмасдир. Ҳар ким ҳалол ёки ҳаромдан бирор нарсани еса, бас ана ўша унинг ризқидир [10.15.]. Зеро, ҳамма нарса Аллоҳнинг мулки, ризқ бергувчи ҳам, асрагувчи ҳам Ўзидир.

Шафоат ҳақдир [11.17.]. Барча шафоат-оқлов ёлғиз Аллоҳникидир. Осмонлар ва ернинг подшоҳлиги ҳам Уникидир. Сўнгра (барчаларингиз) ёлғиз Унгагина қайтарилурсизлар [12.574.]. Аллоҳ таоло дейдики: “Ким яхши шафоат қилса, ундан ўз насибаси бўлур. Ким ёмон шафоат қилса, ундан ўз насибаси бўлур. Аллоҳ ҳар бир нарсанинг баҳосини берувчи Зотдир” [13.99.].

Сеҳр ҳақдир. Яъни унинг ҳақиқати бордир [14.17.]. Сеҳргар қаерда бўлса ҳам, зафар топмас [15.372.]. Сеҳр сўзи луғатда ҳар бир чиқиб келган жойи дақиқ ва латиф, сабаби махфий бўлган нарсага ишлатилади. Пайғамбарлик мўъжизаси илоҳий неъмат бўлиб, фақат Аллоҳ томонидан берилади. Сеҳр эса ўргатувчидан ўрганса бўладиган, ёмонликка ишлатиладиган қабихликдир. Ҳозирги кунда телепатия, магнит уйқуси, экстрасенс ва бошқа хусусиятлар ҳақида шов-шувлар кўпайган. Аммо илмий асосдаги аниқ хулоса йўқ. Баъзи кишиларда бошқа кишиларга таъсир ўтказиш хусусияти борлиги сир эмас. Сеҳр ҳам ўша нарсаларга ўхшаш бир ҳолатдир. Ўша хусусият билан таъсир ўтказиб, эр билан хотинни ажратиб юбориш ёки кишилар соғлиғига таъсир қилиш мумкин. Сеҳр қилиш ҳаром ва гуноҳи кабирадир.

Кўз (тегиши) ҳақдир. Яъни, унинг ҳақиқати бор ва (кишига) зарар қилади [16.17.] Аллоҳ таоло инсонларнинг жисмларида ва руҳларида турли қувватларни яратгандир. Кўзи бор одам қўлида бировни куйдириш учун олов ушлаб турган одамга ўхшайди. Унинг қўлидаги оловни ўчирилса хавф-хатар кетади. Бир нарсанинг давоси унга зид нарса билан бўлади. Модомики кўз тегиш билан пайдо бўлган хасталик кўзи бор одамнинг ёмон руҳий таъсиридан келиб чиққан экан, унинг ўзидаги ўша ёмон руҳиятни ўзгартишга ҳаракат қилинади.

Абу Бакр Косоний “Эътиқод рисоласи” ёш авлоднинг эътиқоди тўғри, иймони мустаҳкам бўлиб камол топишлари учун муҳим манбадирки, унда Қуръон ва суннат доирасида иймон асослари акс этган шаръий эътиқодий ҳукмлар аск этган.

Эътиқод мустаҳкамлиги жамият тараққиёти ва юксалиши учун асосий омилдир. Ёш авлодни Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялашда маънавиятнинг пойдевори бўлган эътиқоднинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб жойларида “қазо ва қадар” ақидасининг йўқлиги туфайли асаб касалликлари, тушқунлик ва умидсизлик, ўз жонига қасд қилиш каби муаммолар тўлиб-тошиб ётибди. Бунинг сабаби бўлиб ўтган нарсани қазо ва қадар ақидасига биноан тушунмасликдир.

Хуллас, ёшлар онгида соғлом эътиқод ва юксак маънавий дунёқараш шаклланиши учун миллий кадриятларни мустаҳкамлаш, тарихга чуқур ва холисона ёндашиш, аждодларимизнинг бой илмий-фалсафий меросини кенг тарғиб этиш бугуннинг вазифасидир.

References:

1. Qur'oni Karim. Fotir surasi: 8-oyat. O'zbekcha izohli tarjima. Tarjima va izohlar muallifi Alouddin Mansur. – T.: CHO'lpon, 1992. 528-bet.
2. Qur'oni Karim. Niso surasi, 136-oyat. O'zbekcha izohli tarjima. Tarjima va izohlar muallifi Alouddin Mansur. – T.: CHO'lpon, 1992. 107-bet.
3. Kosoniyning e'tiqod risolasi. Alouddin Hofiy tarjimasi. www.ahlisunna.uz. 3-bet.
4. Kosoniyning e'tiqod risolasi. Alouddin Hofiy tarjimasi. www.ahlisunna.uz. 4-bet.
5. Kosoniyning e'tiqod risolasi. Alouddin Hofiy tarjimasi. www.ahlisunna.uz. 3-bet.
6. Kosoniyning e'tiqod risolasi. Alouddin Hofiy tarjimasi. www.ahlisunna.uz. 13-bet.
7. Kosoniyning e'tiqod risolasi. Alouddin Hofiy tarjimasi. www.ahlisunna.uz. 15-bet.
8. Qur'oni Karim. Moida surasi, 119-oyat. O'zbekcha izohli tarjima. Tarjima va izohlar muallifi Alouddin Mansur. – T.: CHO'lpon, 1992. 127-bet.
9. Qur'oni Karim. Ol-i Imron surasi, 185-oyat. O'zbekcha izohli tarjima. Tarjima va izohlar muallifi Alouddin Mansur. – T.: CHO'lpon, 1992. 80-bet.
10. Kosoniyning e'tiqod risolasi. Alouddin Hofiy tarjimasi. www.ahlisunna.uz. 15-bet.
11. Kosoniyning e'tiqod risolasi. Alouddin Hofiy tarjimasi. www.ahlisunna.uz. 17-bet.
12. Qur'oni Karim. Zumar surasi, 44-oyat. O'zbekcha izohli tarjima. Tarjima va izohlar muallifi Alouddin Mansur. – T.: CHO'lpon, 1992. 574-bet.
13. Qur'oni Karim. Niso surasi, 86-oyat. O'zbekcha izohli tarjima. Tarjima va izohlar muallifi Alouddin Mansur. – T.: CHO'lpon, 1992. 99-bet.
14. Kosoniyning e'tiqod risolasi. Alouddin Hofiy tarjimasi. www.ahlisunna.uz. 17-bet.
15. Kosoniyning e'tiqod risolasi. Alouddin Hofiy tarjimasi. www.ahlisunna.uz. 17-bet.
16. Qur'oni Karim. Toha surasi, 69-oyat. O'zbekcha izohli tarjima. Tarjima va izohlar muallifi Alouddin Mansur. – T.: CHO'lpon, 1992. 372-bet.
17. Kosoniyning e'tiqod risolasi. Alouddin Hofiy tarjimasi. www.ahlisunna.uz. 17-bet.
18. Kosoniyning e'tiqod risolasi. Alouddin Hofiy tarjimasi. www.ahlisunna.uz. 17-bet.